



Романо-Герман Ва Англо-Саксон Ҳуқуқ Тизимларига Мансуб Айрим Давлатларда Айбга Иқрорлик Тўғрисидаги Келишув Институтининг

Отабек Тошев
ТДЮУ мустақил изланувчиси

ABSTRACT

Мақолада муаллиф томонидан айбга иқрорлик тўғрисида келишув институтининг романо-герман ва англо-саксон ҳуқуқ тизимларига мансуб айрим давлатларда ҳуқуқий тартибга солиш ва қўллаш масалалари ҳамда ўзига хос жиҳатлари қиёсий-ҳуқуқий қилиниб, АҚШ, Буюк Британия, Германия, Франция ва бошқа Европа давлатларида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув борасида қонунчиликдаги асосий қоидалар, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув тартибда иш юритишнинг аҳамиятли жиҳатлари ўрганилган. Шунингдек, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институтининг мақсади, асосий вазибалари борасида олимларнинг фикрлари ўрганилиб, муаллифнинг хулосалари берилган.

ARTICLE INFO

Received: 11th November 2022

Revised: 11th December 2022

Accepted: 26th January 2023

KEYWORDS: айб, айбга иқрорлик, айбга иқрорлик бўйича келишув, умумий ҳуқуқ тизими, романо-герман ҳуқуқ тизими, айбланувчи, прокурор, ҳимоячи, суд, ҳукм

Институт Соглашения О Признании Вины В Некоторых Странах, Принадлежащих К Романо-Германской И Англосаксонской Правовым Системам

Отабек Тошев
самостоятельный соискатель ТДЮУ

Аннотация. В статье автором проводится сравнительно-правовой анализ вопросов правового регулирования и применения института соглашения о признании вины в некоторых странах, принадлежащих к романо-германской и англо-саксонской правовым системам, а также его особенности, изучены основные положения законодательства о признании вины, значимые аспекты производства дел по соглашениям о признании вины в США, Великобритании, Германии, Франции и других странах Европы. Также были изучены мнения ученых относительно цели и основных задач института соглашения о признании вины и представлены выводы и заключения автора.

Ключевые слова: вина, признание вины, соглашение о признании вины, система обычного права, романо-германская система права, обвиняемые, прокурор, защитник, суд, приговор.

The Institute Of Pleasure Agreements In Some Countries Belonging To The Roman-German And Anglo-Saxon Legal Systems

Otabek Toshev

Independent applicant of Tashkent state University of Law

Abstract. In the article, the author conducts a comparative legal analysis of the issues of legal regulation and application of the institution of a plea agreement in some countries belonging to the Romano-Germanic and Anglo-Saxon legal systems, as well as its features, studied the main provisions of the legislation on plea bargaining, significant aspects of production plea agreement cases in the US, UK, Germany, France and other European countries. The opinions of scientists regarding the purpose and main tasks of the institution of the plea agreement were also studied and the conclusions and conclusions of the author are presented.

Keywords: guilt, guilty plea, plea agreement, Common law system, Romano-Germanic legal system, accused, prosecutor, defender, court, sentence.

Кирриш

Жиноят процессининг муҳим масалаларидан бирини нафақат фуқаронинг одил судловга бўлган ҳуқуқи эркин амалга оширилишини таъминловчи нормаларни такомиллаштириш, балки одил судловни амалга ошириш учун ажратиладиган ресурслардан оқилона фойдаланиш, жиноят ишларини қисқа муддатларда кўриб чиқишни таъминлаш ва судьяларнинг жиноят ишларини кўриб чиқиш юктамаларини камайтириш бўйича амалдаги жиноят-процессуал шаклларни қисқартириш ташкил этади.

Жиноят процессуал қонунчилигида айбга иқрорлик тўғрисида келишувнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд. Ушбу жараённинг ижобий томони сифатида унинг иқтисодий самарадорлиги, тезлиги ва томонларнинг ўзаро розилиги асосида жиноий-ҳуқуқий низони ҳал қилиш белгиларининг мавжудлигини тан олиш мумкин. Ушбу институтнинг жорий этилиши ҳозирги пайтда жуда бюрократлашган, расмийлаштирилган ва ноқулай жиноий одил судлов тизимидан халос бўлишга имкон беради.

Ушбу ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, бошқа ҳуқуқ тизимларида йўл қўйилган хатоларни такрорламаслик учун айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг процессуал шаклини яратиш учун миллий жиноят процессини такомиллаштиришда хорижий давлатлар қонунчилигини ўрганиш муҳим аҳамиятга эга.

Бунда жиноят ишлари бўйича одил судовни тез ва самарали амалга оширишнинг янги процессуал шаклларини излаш ва миллий қонунчиликка татбиқ этишда хорижий давлатлар жиноят-процессуал қонунчилигидаги айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил

Жаҳонда бир қанча ҳуқуқ оилалари мавжуд бўлиб, уларда процессуал келишув институтининг тури сифатида ярашув институтини қўллаш асослари ва жараёнида бир қанча фарқли жиҳатларни кўришимиз мумкин. Масалан, англо-саксон ҳуқуқ тизимида оид давлатлар жиноят ҳуқуқида ярашув институтини қўллашнинг моддий-ҳуқуқий асоси бўлиб қилмишнинг кам аҳамиятлилиги ҳисобланади. Континентал ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда эса, ярашув асослари янада аниқ қилиб кўрсатиб ўтилади.

Шунингдек, континентал (романо-герман) ҳуқуқ тизимида мансуб давлатларда ҳуқуқбузарнинг жабрланувчи билан ярашиши оммавий шартнома кўринишида расмийлаштирилади.

Ушбу институтнинг ривожланган давлатларда тартибга солиниши ва қўлланишини таҳлили қилиш натижасида қуйидагилар маълум бўлди.

Биринчидан, англо-саксон ҳуқуқ оиласи мамлакатларида *айбига иқрорлик келишуви гоятда тараққий топган жиноят-процессуал институтлардан бири ҳисобланади*. Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти (**plea bargain**) жиноий одил судловида узоқ тарихга эга бўлган процессуал институтлардан бири ҳисобланади. Мазкур иш юритиш тартиби айбига иқрорлик тўғрисидаги битимга асосланиб, унинг энг мумтоз варианты АҚШ жиноят процесси тарихи билан боғлиқ. XIX асрда АҚШда вужудга келган жиноят ишини юритишнинг мазкур тартиби ҳозирда жиноят ишларининг 90% фоизда қўлланилар экан¹.

Ушбу институтнинг келиб чиқиш тарихи қизиқарли. Америкалик тадқиқотчиларнинг фикрига кўра, ушбу институт XVIII асрда мавжуд бўлмаган. Одил судлов билан келишув шахсий ҳуқуқларнинг қўшимча кафолати туфайли суд ҳайъатида суд ишларини юритишнинг процессуал шаклининг тобора мураккаблашиб бораётганига реакция сифатида пайдо бўлди. Хусусан, ушбу институт суд ҳайъати аъзоларини танлаш ҳуқуқини ҳимоя қилиш, ҳимоячилар сифатида профессионал юристларнинг иштироки, исботлаш ҳуқуқининг ривожланиши ва бошқа омиллар туфайли пайдо бўлди².

АҚШда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ҳуқуқ прецеденти доирасида ташкил топган ва АҚШ Олий суди томонидан айбловчи ва ҳимоячи ўртасида айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувларни тузиш амалиёти туфайли жиноий одил судловининг муҳим қисми сифатида тан олинган.

Сўнгги йилларда АҚШ федерал судларида бундай келишувларнинг улуши 97 фоизга етган. Бундай кўрсаткичлар юқорилиги эса англо-саксон жиноий процессининг континентал ҳуқуққа қараганда турли хил тамойиллар асосида қурилганлиги билан боғлиқ³.

Иккинчидан, тарафлар ўртасида тузилган ҳар қандай келишувлар мутлақо табиийдир, чунки процесс тарафлар ўртасидаги низога асосланади, низонинг йўқлиги эса иш бўйича процесснинг ўтказилмаслигини англатади. Шу сабабли АҚШда барча тоифадаги суд ишларида ва судда ишларни кўришнинг ҳар қандай босқичида айбга иқрорлик тўғрисида келишувлар тузилади.

АҚШ Федерал жиноий суд ишларини юритиш қоидаларининг (Federal Rules of Criminal Procedure) 11-бандига мувофиқ, айбланувчига қарши айблов эълон қилинганда, у қўйилган айблов бўйича қуйидагилардан бирини танлаши лозим: айбни тан олиш (**guilty plea**), рад этиш (**plea of not guilty**) ёки айблов бўйича эътироз билдирмаслик (**nolo contendere**).

Ушбу Қоидалар Аляска, Янги Орлеан, Калифорния ва Мичиган штатларидан ташқари барча штатларда амал қилади.

Айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг дастлабки икки тури бўйича ҳукм устидан шикоят қилиш мумкинлиги билан ўзига хос хусусияти сифатида ажралиб туради.

Келишувнинг учинчи тури сифатида суд ҳукми устидан барча асослар бўйича шикоят қилиш имкониятини беради. Биринчи ва иккинчи ҳолатларда ҳам келишув судья томонидан тасдиқланиши керак. Шундан кейингина барча томонлар учун мажбурий бўлади.

Айбни тан олиш (**guilty plea**) айбланувчининг айбловни тан олишини ва суд муҳокамасидан воз кечишни англатади. Айбланувчи ўз айбини тан олганидан сўнг айбга иқрорлик тўғрисида прокуратура билан келишув (**plea bargain**) тузиши мумкин.

Одил судлов билан келишув тузиш шартнома ҳуқуқи қоидаларига бўйсунди. Хусусан, *тарафлар келишув тузишда унинг бажарилишини талаб қилишга ҳақли*. Бунда келишувни тузишда жабрланувчи манфаатлари инобатга олинмайди, унинг розилиги тарафлар келишув тузиши учун шарт эмас. Қоидалар фақатгина тарафлар, яъни айблов ва ҳимоя ўртасида консенсусга эришишни тартибга солади.

¹ Алёшина А.Д., Асланян А.Л., Беляева К.Б., Булатова В.В. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых, 3 – Москва, 2016. – 88 стр.

² Қаранг.: John N. Langbein Understanding the Short History of Plea Bargaining. Yale Law School //: http://digitalcommons.law.yale.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1545&context=fss_papers&sei-redir

³ Е.Г.Дубровина “Сделки о признании вины по законодательству США” <https://mgimo.ru/upload/iblock/7cd.pdf>

Хуллас, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувда (прокурор) айбловчи ва ҳимоя тараф ўртасида эълон қилинган айблов доираси юзасидан келишувга (консенсусга) ҳамда жиноят учун жазони енгиллаштиришга эришадилар.

Қоидаларга кўра, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув прокурор ҳамда айбланувчи ва унинг адвокати ўртасидаги махфий музокаралар натижаси ҳисобланади. Бундай ҳолда келишувни тузиш ташаббуси иш бўйича ҳар қайси тарафдан келиб чиқиши мумкин. Келишувни асосан айбловчи томон таклиф қилади.

Прокурор келишув тузиш бўйича оғзаки ва ёзма шаклда таклиф қилишга ҳақлидир. Қонунчиликда келишув учун музокаралар ўтказиш тартиби белгиланмаган. Улар прокурорнинг хизмат хонасида ҳам, норасмий муҳитдаги шароитда ҳам музокара ўтказишлари мумкин. Шунингдек, жиноят-процессуал қонунчилигида суд мажлиси жараёнида ҳам келишувни тузиш мумкин. Бундай ҳолатда прокурорнинг келишув тузиш ҳақидаги таклифи баённомада қайд этилади.

Ўз навбатида, адвокат прокурорнинг таклифига эътироз билдириш ҳуқуқига эга бўлиб, бу орқали прокурор зиммасига жазони енгиллаштириш мажбуриятини юклашга ҳаракат қилади.

Учинчидан, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тузишда суднинг роли муҳим ва ҳал қилувчи ҳисобланади.

Ушбу институтнинг бошқа институтлардан фарқли жиҳати шундаки, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг шартлари суд томонидан мажбурий тасдиқланиши ҳисобланади. Суд келишув шартларини муҳокама қилишда иштирок этиши тақиқланади, бироқ очиқ суд мажлисида айбга иқрорлик келишуви ихтиёрий бўлганлик ҳолатини аниқлаштиришга ва ушбу шартлар бўйича тарафларнинг келишувини рад этишга ёки иш ҳолатларини ўрганиб айбланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳолатларни ўргангунга қадар ишни кейинга қолдиришга ҳақли ҳисобланади.

Гарчи бу юқоридаги Қоидаларда ҳам тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлсада, суд томонлар ўртасидаги келишувни автоматик равишда қабул қилмайди, балки қарор қабул қилишда тарафлар томонидан тақдим этилган далилларни ўрганади.

АҚШ жиноят-процессига айбга иқрорлик келишуви тузилганда, ҳакамлар хайъатининг (суд присяжных) суд муҳокамаси ўтказилмайди.

Кам аҳамиятли қилмишлар учун айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувлар нафақат тергов босқичида, балки дастлабки эшитув даврида ҳам қўлланилади. Агар айбланувчи айбига иқрор бўлса, суд бир вақтнинг ўзида жазо тури ва миқдорини аниқлаш ҳуқуқига эга.

Суд айбга иқрорлик ҳақида аризани қабул қилишдан аввал айбланувчига унга қўйилган айбловнинг моҳияти бўйича ва қонунда назарда тутилган жазонинг минимал миқдори ҳақида тушунтириш беради.

Суд айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувни тасдиқлашдан олдин бир қатор саволларга жавоб олиши керак:

биринчидан, судланувчига эълон қилинган айблов тушунарлими?;

иккинчидан, судланувчи жазонинг миқдори ҳақида маълумотга эгами?;

учинчидан, судланувчининг адвокат билан жиноят ишини муҳокама қилишига вақт етарли бўлдиими?;

тўртинчидан, судланувчи адвокатнинг касбий малакасида қониқдиими?;

бешинчидан, судланувчининг эълон қилинган айбловга муносабати қандай?;

олтинчидан, судланувчи ўз айбини тан олмаслик ҳуқуқига эга эканлигини ҳамда жиноят ишини (суд присяжных) судьялар хайъати томонидан кўриб чиқишни талаб қилишга ҳақли эканлигини биладиими?;

еттинчидан, судланувчи айбни тан олиш ихтиёрий эканлигини биладиими?;

саккизинчидан, айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув прокурор, айбланувчи ва адвокат ўртасидаги аввалги музокаралар натижасидан келиб чиққанми?

Суд бундай келишув шартлари муҳокамаларида иштирок этиши мумкин эмас. Бироқ, мавжуд қонуний таъқиққа қарамай, судьялар баъзан прокуратура ва ҳимоя тарафлари ўртасида ўтказиладиган келишув амалиётини амалга оширишда қатнашадилар.⁴

Тузилган келишув битими шартлари суд томонидан тасдиқланмагунча айбланувчи ҳар қандай сабабга кўра келишувдан воз кечиши мумкин. Шунингдек, айбланувчи келишув шартларидан суд қарори чиқарилганидан кейин ҳам, суд қарори ижро этилгунга қадар воз кечиши мумкин, бироқ ушбу воз кечиш сабаби “*адолатли ва асосли*” бўлиши керак⁵.

Судья айбланувчига келишув бўйича музокаралар пайтида унинг ҳуқуқларини тушунтирганида, прокурорнинг жазони камайтириш бўйича таклифи билан келишмаган тақдирда ҳам, айбланувчи келишувдан чиқа олмаслигини тушунтиради. Бунда, судья ўз хоҳишига кўра жазо тайинлаш ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Амалиётда судья айбни тан олиш тўғрисидаги келишув жараёнида тузилган тавсияларни бажаришга интилади⁶.

Шунингдек, мазкур институт чиқарилган ҳукм устидан шикоят қилиш тартиби бўйича ҳам фарқланади. АҚШда келишув тузган шахс ҳукм устидан шикоят қилиш ҳуқуқига эга эмас, чунки унинг айби процессуал мустаҳкамланган⁷. Ҳукм устидан шикоят қилиш фақат адвокатнинг касбий лаёқатсизлиги ягона асос бўлиши мумкин. Бироқ, шуни таъкидлаш керакки, у адвокатнинг касбий лаёқатсизлигини тасдиқловчи далилларни тақдим этиши керак⁸.

Тўртинчидан, келишув оқибатлари жуда мослашувчан, унинг тузилиши бир неча ҳуқуқий оқибатларга олиб келиши мумкин:

- айбловдан бир ёки бир нечта эпизодларини чиқариб ташлаш натижасида келиб чиқадиган айблов доирасини ўзгартириш ёки жиноят малакасини енгиллаштириш томонга ўзгартириш;
- жазонинг энг оғир тури ва муддатини қонунчиликда кўрсатилган жазодан ҳам камроқ жазони енгиллаштириш.

Мисол учун, агар айбланувчи кам аҳамиятли жиноятни содир этганликда айбини тан олса оғир жиноят содир этганлиги учун енгилроқ жазо олишга эришиши мумкин.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишуви судга қадар ҳамкорлик қилиш институтидан фарқли равишда, айбланувчининг жазосини қатъиян камайтириш имкониятини назарда тутмайди⁹. АҚШда айбга иқдорлик тўғрисида келишув тузишда айбланувчига бериладиган имтиёзлар қонун билан тартибга солинмаган, ушбу масалани ҳал этиш прокурор ва судга боғлиқдир.

Айбга иқдорлик тўғрисидаги келишув институти айбловдан келиб чиқадиган жиноятни енгилроқ жиноят билан алмаштиришни назарда тутаяди ёки айбловдан битта айб ёхуд бир нечта жиноий эпизодлар чиқариб ташланиши мумкин¹⁰.

⁴ Қаранг: Кувалдина Ю. В. Предпосылки и перспективы развития компромиссных способов разрешения уголовно-правовых конфликтов в России : дис. ... канд. юрид. наук. Самара, 2011. 84б.

⁵ Е.Г.Дубровина “Сделки о признании вины по законодательству США” https://mgimo.ru/upload/iblock/7cd/%D0%A2%D0%B5%D0%B7%D0%B8%D1%81%D1%8B_%D0%94%D1%83%D0%B1%D1%80%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D0%BD%D0%B0.pdf

⁶ Қаранг: Махов В. Н., Пешков М. А. Уголовный процесс США (досудебные стадии) : учеб. пособие. М., 1998. 186 бет.

⁷ Қаранг: Топчиева Т. В. Соотношение соглашений о сотрудничестве в уголовном процессе России и США // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2011. № 3 (51). 95б.

⁸ Қаранг.: Бочкарев А. Е. Особый порядок судебного разбирательства в уголовном судопроизводстве Российской Федерации : дис. канд. юрид. наук. Владимир, 2005. 142 бет.

⁹ Қаранг: Шмарев А. И. Особый порядок судебного разбирательства в уголовном судопроизводстве Российской Федерации : дис. ... канд. юрид. наук. Владимир, 2005. 55 б.

¹⁰ Қаранг.: Дубовик Н. «Сделка о признании вины» и «особый порядок» : сравнительный анализ // Российская юстиция. 2004. № 4. 52 б.

Шу каби, узоқ тортишувлардан кейин 2009 йилда айбига иқrorлик битимига кўра иш юритиш қоидалар ишлаб чиқилган¹¹ **Буюк Британияда** ҳам айбига иқrorлик тартибида иш юритиш ҳар қандай жиноятлар бўйича қўлланилиши мумкинлиги белгиланиб, айбланувчига кенг имконият берилди. Масалан, шартнома бўйича айбига иқrorлик айбланувчининг кейинги жиноий фаолиятини текширилмасликка олиб келиши мумкин.

Айтайлик, амалда босқинчилик содир этилганлик эҳтимоли бўлса, мавжуд далиллар асосида ўғрилиқ деб баҳоланиши, амалда ўғрилиқ жиноятининг содир этилганлик эҳтимоли бўлса, мавжуд далиллар асосида ўғриланган мол-мулкни сақлаш, хуллас, аниқланган далиллар асосида енгилроқ жавобгарликни назарда тутган жиноят деб баҳоланиб, оғирроқ жавобгарликни назарда тутиши мумкин бўлган ҳолатлар исбот қилинмайди. Ҳаттоки, бир прокурор иштирокида айбига иқrorлик битими тузилса, бошқа прокурорнинг буни ўзгартириши ёки судда бундай битимнинг ҳақиқий эмас деб топилиши конституциявий ҳуқуқларга хилоф деб топилади¹².

Бешинчидан, айбга иқrorлик келишуви бир қанча конституциявий ҳуқуқларни ихтиёрий чекловини кўзда тутди. Охирги қарор қабул қилиш барибир айбланувчи зиммасида қолмоқда. Прокурор, адвокат айбланувчига босим ўтказишга ҳақли эмас.

Мазкур қонданинг ўзига хос хусусияти шундаки, айбланувчи айбга иқrorлик келишувни тузиш бўйича илтимоснома билан мурожаат этиши эвазига бир қатор конституциявий ҳуқуқлардан воз кечади, яъни ўзини айбламаслик учун ишни суд ҳайъатида кўришдан воз кечиб, адвокат ёрдамида тез ва очиқ суд муҳокамасини ўтказишга эришади.

Айбни тан олиш – мутлақ ҳақиқат деб тушунилади ва процесга яқун ясайди, албатта айрим ишлар бундан мустасно¹³. Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувнинг мазмун ва ҳуқуқий моҳиятидан келиб чиқса, давлат томонидан жиноят процессида объектив ҳақиқатни аниқлашдан воз кечиш билан боғлиқ.

Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувнинг асосий мақсади шундан иборатки, бу ишни суд жараёнидаги судьялар ҳайъатида кўришдан қочишдир¹⁴. Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишувнинг мавжудлиги судьяга суд муҳокамасини ўтказмасдан айблов ҳукми чиқариш имконини беради.¹⁵

Шу сабабли тарафлар, прокуратура ва ҳимоячи (айбланувчи, адвокат) ўзаро жиноят-ҳуқуқий низони айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув тузиш орқали ҳал этадилар. Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув туфайли суд тергови ўтказилмайди, далиллар текширилмайди, гувоҳлар сўроқ қилинмайди ва бошқа.

Айбга иқrorлик тўғрисидаги келишув жиноят иши ҳужжатларда мавжуд бўлган далилларни таҳлил қилмасдан ва баҳоламасдан қарор чиқариш имконини беради¹⁶.

Европа Кенгашининг Вазирлар қўмитаси, жиноятларни фoш этиш жараёнининг чўзилиши ҳар қандай давлатда жиноят ҳуқуқининг обрўсизланишига, одил судловга бўлган аҳоли ишончини пасайишига олиб келиши, судларга йўлланган жиноят ишлари ва судларда ишларни кўриш давомийлиги билан боғлиқ муаммолар сонининг мунтазам ошиб боришини ҳисобга олиб, Европа Кенгашига аъзо давлатларга “Жиноий одил судловни соддалаштиришга тегишли” 6R (87) 18-сон

¹¹ The Attorney General’s Guidelines on the Acceptance of Pleas and the Prosecutor’s Role in the Sentencing Exercise, as revised December 1, 2009.: <https://www.gov.uk/guidance/the-acceptance-of-pleas-and-the-prosecutors-role-in-the-sentencing-exercise>

¹² Stephen Hockman QC and Nicholas Medcroft. Plea Negotiation – Dead or Alive? // Criminal Bar Quarterly Issue 1 Spring 2011 // <https://www.criminalbar.com/wp-content/uploads/2018/02/Spring20112.pdf>.

¹³ Қаранг.: Введение в американское право / Под ред. М. Калантаровой; пер. с англ. Л. Фридмэн. М., 1993. 142 б.

¹⁴ Қаранг.: Рыбалов К. А. Особый порядок судебного разбирательства в Российской Федерации и проблемы его реализации. М., 2004. 23 бет.

¹⁵ Қаранг: Уголовный процесс основных капиталистических государств (Англия, США) / К. Ф. Гуценко ; Ун-т Дружбы народов им. Патриса Лумумбы. М., 1969. Вып. 1. 151б.

¹⁶ Қаранг.: Стародубова Г. В. Новый вариант «делок с правосудием» // Досудебное соглашение о сотрудничестве (правовые и криминалистические проблемы) : материалы науч.-практич. конф. (Воронеж, 21–22 декабря 2009 г.). Сер.: Юбилеи, конференции, форумы. Воронеж, 2010. Вып. 6. 250б.

тавсия (1987 йил 17 сентябрда бўлиб ўтган вазирлар делегатларининг 410-мажлисида Вазирлар қўмитаси томонидан қабул қилинган) билан мурожаат қилади¹⁷.

Унда аъзо давлатларга Европа Кенгаши Вазирлар қўмитаси конституциявий принциплар ва ҳуқуқий анъаналарни ҳисобга олган ҳолда соддалаштирилган жиноят ишларини юритишнинг шакл ҳамда мазмунига нисбатан жиноят сиёсатини амалга ошириш ва одатдаги суд жараёнларини макбуллаштириш нуктаи назаридан такомиллаштириш чора-тадбирларини кўриш тавсия қилинган¹⁸.

Айтиши лозимки, романо-герман ҳуқуқ оиласига мансуб давлатларда ҳам айбига иқрорлик келишувни бўйича жиноят ишини юритиш тартиби ўзига хос жиҳатларга эга:

Биринчидан, бундай келишувларни тузишда жиноятлар доираси чекланган.

Масалан, **Франция** ЖПКда 1999 йилдан назарда тутилган айбига иқрорлик тўғрисидаги келишувини фақат қонунда қатъий белгиланган тоифадаги жиноятлар юзасидан (жазо чораси сифатида жарима ёки 5 йилгача озодликдан маҳрум этиш чоралари назарда тутилган жиноятлар) тузиш мумкин.

1988 йили қабул қилинган **Италия** ЖПКда содир этилган жиноят учун уч йилдан ортиқ бўлмаган озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо назарда тутилган бўлса, тарафларнинг жазо масаласини ўзаро ҳал қилишни сўраб ёзган аризалари бўлса, суд тергови олиб борилмаслиги қайд этилган.

Германия ЖПКда ҳам кам аҳамиятли жиноятлар бўйича айбига иқрорлик битими прокурор ташаббуси билан тузилиши мумкинлиги белгиланган¹⁹.

Иккинчидан, келишувларни тузишда прокурор айбланувчига нисбатан кўпроқ устунликка эга. Прокурор хоҳласа, иқрорлик битимини тузиш таклифи билан чиқиши, хоҳласа ҳимоя томонининг бундай таклифини рад этиши ҳам мумкин. Бундан ташқари, зўрлик ишлатиб содир этиладиган жиноятлар, ОАВ фаолияти билан боғлиқ қилмишлар, эҳтиётсизликдан одам ўлдириш жиноятларига нисбатан қўлланилмайди²⁰.

Учинчидан, келишув тузилиши иш бўйича фактик ҳолатларни ўрганишни истисно этмайди.

Мисол учун, **Испания** жиноят процессида *conformidad* деб номланувчи жиноят ишларини соддалаштирилган тартибда кўриб чиқиш назарда тутилган бўлиб, унинг мазмуни айбни тан олиш тўғрисидаги келишув ҳисобланмасдан, айблов тараф билан келишишда намоён бўлади. *Conformidad* жараёнининг ўзига хос хусусияти шундаки, айбланувчининг айбловга розилиги судьяни жиноят ишининг фактик ҳолатини ўрганиб чиқиш ва таҳлил қилиш мажбуриятидан озод қилмасдан ҳатто айбланувчи айбловни ўз зиммасига олаётган бўлсада, иш материалларидан унинг айбсизлиги ёки оқлаш учун асослар мавжуд бўлган ҳоллар аниқланса, уни оқлаш ҳуқуқини назарда тутлади.

Бунда айбланувчи айблов тараф томонидан илгари сурилаётган айблов ва жазога ёки биринчи инстанциясидаги суд муҳокамасида ёхуд суд ҳайъатига далилларни тақдим этиш вақтида ўзининг эътирозини билдириш ҳуқуқига эга.

Тўртинчидан, келишув тузишда ягона ҳуқуқий механизмлар мавжуд эмас. Мисол учун, Францияда суд процесси куйидаги икки босқичда ўтади: айбланувчини судья ва жиний айблов бошқарувчиси томонидан эшитиш. Бунда иккинчи босқич имзоланган келишув устидан суд назоратини кўзда тутлади. Бунда прокурор ва айбланувчи ўртасида тузилган келишувни суд томонидан маъқулланиши эмас, балки енгилроқ жазонинг қонуний кучга кириши келишувнинг муҳим процессуал кафолати бўлиб ҳисобланади.

¹⁷ . Сборник документов Совета Европы в области защита прав человека и борьбы с преступностью. М., 1998, - С. 116-122.

¹⁸ Ўша асарда.

¹⁹ ГФР Жиноят-процессуал кодекси (GFR criminal-prosessual code). // <http://www.bmjv.de>.

²⁰ Уголовно-процессуальный кодекс Франции (French code of criminal procedure). <https://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cidTexte=LEGITEXT000006071154/>; Франция Адлия вазирлигининг ахборотномаси №95, 2004 // <http://www.justice.gouv.fr/bulletin-officiel/3-dacg95e.htm>

ГФРда ва яна бошқа бир қатор давлатларда (Руминия, Туркия ва б.к) “Айбига иқрорлик ҳақида келишув” тарафларнинг дастлабки терговдаги келишуви деб юритилади. Жумладан, музокаралар ярашув камерасида махсус судья томонидан амалга оширилади²¹.

Масалан, Нидерландия, Бельгия, Францияда бундай ярашув “ўзаро мураса билан амалга ошириладиган” жабрланувчи ва ҳуқуқбузар ўртасидаги келишув маъносини англатадиган “трансакция” (transaction) номи оланган²². Турли давлатларда ярашув институтининг номи турлича бўлганидек, уни қўллашнинг фарқли жиҳатлари ҳам мавжуд.

Бугунги кунда хорижий мамлакатлар жиноят процессуал қонунчилигида “келишув”ни таҳлил қилганда, “айбига иқрорлик бўйича келишув” (АҚШ) варианты ҳамда “ҳамкорлик тўғрисида келишув” (Европа мамлакатлари) вариантлари кенг қўлланилмоқда²³.

Юридик адабиётларда хорижий мамлакатларда айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувнинг нафақат ижобий томонлари, балки салбий томонлари ҳам кўрсатиб ўтилган²⁴. Жумладан, Л.В.Головконинг таъкидлашича, айбга иқрорлик институти суднинг мустақиллигига, инсон ҳуқуқлари етарли даражада таъминланмаслигига, айбланувчининг ўз хоҳишига кўра адвокатни танлаш ҳуқуқига эга бўлишининг чекланишига олиб келади. Шунингдек, келишув жиноятга қарши курашишга ҳисса қўшгандан кўра, жиноятни таъкиб қилувчи органлар томонидан суиистеъмол қилиш учун кўпроқ шароитлар яратади²⁵.

А.М.Пешковнинг таъкидлашича, полиция тергов босқичида гумон қилинувчи билан келишув тузиш ҳуқуқига эга. Бунда, айбига иқрорлик кўрсатувларини олиш расмий айблов эълон қилингунга қадар зарур бўлади. Бу орқали прокурор гумон қилинувчининг шериклари ҳақида маълумот олиш имкониятига эга бўлади²⁶.

Уларга қўшилган ҳолда, шунинг таъкидлашимиз мумкинки, ҳар қандай институтларда бўлгани каби, салбий жиҳатларга айбсиз шахсни жавобгарлика тортиш, прокурор томонидан айбланувчининг тергов органлари билан ҳамкорлик қилишга мажбурлаш мақсадида сунъий равишда айблов ҳажмини ошириш, жиноят тоифасини енгил турга қайта квалификация қилишни ваъда қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин.

Хулоса ўрнида

Юқорида келтирилган таҳлиллар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

– айбига иқрорлик тўғрисидаги келишув институти ва бошқа ўхшаш қисқартирилган тартиб-таомиллар умумий ҳуқуқ тизими давлатларида (Англия, АҚШ) ва континентал ҳуқуқ тизими давлатларида (Бельгия, Голландия, Испания, Италия, Германия, Франция) ҳам жиноят ишларни юритишда қўлланилади;

– турли мамлакатларнинг процессуал қонунчилигида соддалаштирилган, тезкор тартибда судлов ишларини юритишга оид бир хил мақсадга йўналтирилган қоидалар белгиланган, улар бир-биридан ўзининг моҳияти бўйича фарқ қилади. Мисол учун, Англо-саксон жиноят процесси ҳақиқатни аниқлаш презумпциясидан келиб чиқса, континентал давлатларда соддалаштирилган тартибда иш юритиш жараёнида, суд назорати объекти шахсининг ўз айбига иқрор бўлишининг ҳақиқийлиги эмас,

²¹ Арупонян А..А Международные стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. - №-9

²² Головки Л.В. Новые основания освобождения от уголовной ответственности и проблемы их процессуального применения / Л.В. Головки // Государство и право. - 1997. - № 8. - С. 77-83.

²³ Н.С.Костенко. Досудебное соглашение о сотрудничестве в уголовном процессе: правовые и организационные вопросы заключения и реализации: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Челябинск.: Волгоградская академия МВД России, 2013. – С. 9.

²⁴ Қаранг: Калиновский К. Б. Уголовное судопроизводство как сфера использования положений конфликтологии // Юридическая мысль. 2002. № 1. 111–119 б.

²⁵ Қаранг: Анализ концептуальных положений проекта Закона Республики Казахстан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты РК по вопросам дальнейшего реформирования уголовного процесса» Л. В. Головки // <http://www.zakon.kz/4480136-analiz-konceptualnykh-polozhenij.html>

²⁶ Қаранг.: Пешков М. А. Правовое регулирование и практика применения «сделки о признании вины» в уголовном процессе США // Юрист. 1998. № 6. 57–62б.

балки айбланувчининг айблов хулосаси билан келишиш жараёнининг қонуний қайд этилганлиги муҳим аҳамият касб этади²⁷;

– фикримизча, хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва амалиётдан қуйидаги ижобий тажрибаларни ўзлаштириб, миллий ЖПК нормаларида акс этиришимиз мумкин:

1) судья судланувчига процессуал келишувдан воз кечиш ҳуқуқига эга эканлигини тушунтириши ҳамда гумон қилинувчи, айбланувчи қийноққа солинмаганлиги, шафқатсиз ва ғайриинсоний муносабатларга дуч келмаганлигига ишонч ҳосил қилиши ҳақидаги қоидалар (АҚШ);

2) айбга иқрорлик келишуви кучга кирганидан келишув битимини ўзгартириш имконияти мавжуд эмас, бироқ башарти судья бу адолатсизлик бўлади деган хулосага келса, айбланувчига келишув бўйича шартларни бажаришдан воз кечишга рухсат бериши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар (айбга иқрорлик тўғрисидаги келишувдан бир томонлама воз кечиш мумкин эмаслиги презумпцияси);

3) айбга иқрорлик бўйича тузилган келишувга кўра, айбланувчининг кейинги жиноий фаолияти тергов қилинмаслиги ҳақидаги қоида (Буюк Британия).

4) айбга иқрорлик келишувини тузишда прокурор ўз истаги билан айбга иқрорлик битимини тузиш таклифи билан чиқиши мумкинлиги ҳақидаги қоидалар (Франция).

5) судья ҳатто айбланувчи айбловни ўз зиммасига олаётган бўлса ҳам, иш материалларидан унинг айбсизлиги ёки оқлаш учун асослар мавжуд бўлган ҳоллар аниқланса, уни оқлаш ҳуқуқини назарда тутувчи қоидалар (Испания).

6) айбга иқрорлик тўғрисида келишув тузган вояга етмаган, ожиз аҳволдаги, чет эл фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган айбланувчига ҳимоя ҳуқуқини ва малакали юридик ёрдамни таъминлаш механизми батафсил баён қилинишига оид қоидалар (Германия).

7) айбга иқрорлик тўғрисида келишувни тузишда жабрланувчининг келишувни тузишда фикри инобатга олинishi ёки олинмаслиги аниқ кўрсатилиши, жабрланувчи суд мажлисида иштирок этиши мумкин ва суд қароридан норози бўлган тақдирда унда шикоят қилиш ҳуқуқига оид қоидалар (Испания).

Биз жабрланувчининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини энг яхши тарзда таъминлашимиз керак, деб ҳисоблаймиз. Келишув институти жараёни иштирокчиси сифатида жабрланувчининг жазо миқдори тўғрисида ўз фикрини билдиришни сақлаб қолиш ва етказилган зарарни қоплаш ҳамда айбланувчининг пушаймон бўлишига қараб келишув тузиш ҳуқуқлари сақланиб қолиши мақсадга мувофиқ²⁸.

Ушбу жараёнда жабрланувчини иштирок эттирмаслик дастлабки тергов органлари томонидан муаммоли бўлган жиноят ишларидан тезда халос бўлиш учун айбланувчининг ҳаракатларидан зарар кўрган шахсинг, яъни жабрланувчининг манфаатларини инобатга олмасликни келтириб чиқаради.

Шу сабабли, қонунчиликда жабрланувчига келишув тузишда иштирок этиш, суд мажлисида қатнашиш ҳуқуқини мустаҳкамлашни, шунингдек айбланувчи келишув шартларини бажармаган тақдирда, келишувни тасдиқлашга эътироз билдириш ҳуқуқи мавжуд бўлиши лозим.

Қонунчиликка бундай қўшимчалар киритилмаслиги, нафақат судлар, балки процесс иштирокчилари ҳам қонунларни қўллашда қийинчиликка дуч келишади. Бу эса мазкур айбга иқрорлик тўғрисидаги келишув институти самарадорлигини хавф остига қўйиши мумкин.

Фойдаланилган Адабиётлар

1. Алёшина А.Д., Асланян А.Л., Беляева К.Б., Булатова В.В. Сделки о признании вины в уголовном процессе зарубежных стран // Юридический вестник молодых ученых, №3 – Москва, 2016. – С.88.

²⁷ Шерзод Ҳайдаров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими // https://xorazm.adliya.uz / xorazm /uz/publikatsii/korupciya/?ELEMENT_ID=21525

²⁸ Khudaybergenov B. ACTUAL PROBLEMS ESTABLISHMENT OF JUDICIAL CONTROL OVER THE INITIATION OF A CRIMINAL CASE //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.

2. John H. Langbein Understanding the Short History of Plea Bargaining. Yale Law School //: http://digitalcommons.law.yale.edu/cgi/viewcontent.cgi?article=1545&context=fss_papers&sei-redir
3. Е.Г.Дубровина “Сделки о признании вины по законодательству США” <https://mgimo.ru/upload/iblock/7cd.pdf>
4. Кувалдина Ю. В. Предпосылки и перспективы развития компромиссных способов разрешения уголовно-правовых конфликтов в России: дис. ...канд. юрид. наук. Самара, 2011. 84б.
5. Махов В. Н., Пешков М. А. Уголовный процесс США (досудебные стадии). Учеб. пособие. М., 1998. 186 бет.
6. Топчиева Т. В. Соотношение соглашений о сотрудничестве в уголовном процессе России и США // Вестник Санкт-Петербургского университета МВД России. 2011. № 3 (51). 95 б.
7. Бочкарев А. Е. Особый порядок судебного разбирательства в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: дис... канд. юрид. наук. Владимир, 2005. 142 бет.
8. Шмарев А. И. Особый порядок судебного разбирательства в уголовном судопроизводстве Российской Федерации: дис... канд. юрид. наук. Владимир, 2005. 55 б.
9. Дубовик Н. «Сделка о признании вины» и «особый порядок»: сравнительный анализ // Российская юстиция. 2004. № 4. 52 б.
10. The Attorney General’s Guidelines on the Acceptance of Pleas and the Prosecutor’s Role in the Sentencing Exercise, as revised December 1, 2009.: <https://www.gov.uk/guidance/the-acceptance-of-pleas-and-the-prosecutors-role-in-the-sentencing-exercise>
11. Stephen Hockman QC and Nicholas Medcroft. Plea Negotiation – Dead or Alive? // Criminal Bar Quartely Issue 1 Spring 2011 // <https://www.criminalbar.com/wp-content/uploads/2018/02/Spring20112.pdf>.
12. Введение в американское право / Под ред. М. Калантаровой; пер. с англ. Л. Фридмэн. М., 1993. 142 б.
13. Рыбалов К. А. Особый порядок судебного разбирательства в Российской Федерации и проблемы его реализации. М., 2004. 23 бет.
14. Уголовный процесс основных капиталистических государств (Англия, США) / К. Ф. Гуценко ; Ун-т Дружбы народов им. Патриса Лумумбы. М., 1969. Вып. 1. 151б.
15. Стародубова Г. В. Новый вариант «сделок с правосудием» // Досудебное соглашение о сотрудничестве (правовые и криминалистические проблемы): материалы науч.-практич. конф. (Воронеж, 21–22 декабря 2009 г.). Сер.: Юбилеи, конференции, форумы. Воронеж, 2010. Вып. 6. 250б.
16. Сборник документов Совета Европы в области защита прав человека и борьбы с преступностью. М., 1998, - С. 116-122.
17. ГФР Жиноят-процессуал кодекси (GFR criminal-prosessual code). // <http://www.bmjv.de>.
18. Уголовно-процессуальный кодекс Франции (French code of criminal procedure). <https://www.legifrance.gouv.fr/affichCode.do?cid Texte=LEGITEXT 000006071154/>; Франция Адлия вазирлигининг ахборотномаси №95, 2004 // <http://www.justice.gouv.fr/bulletin-officiel/3-dacg95e.htm>
19. Арупонян А..А Международные стандарты медиации в уголовном судопроизводстве//Закон. - Москва, 2011. - №-9
20. Головки Л.В. Новые основания освобождения от уголовной ответственности и проблемы их процессуального применения / Л.В. Головки // Государство и право. - 1997. - № 8. - С. 77-83.
21. Н.С.Костенко. Досудебное соглашение о сотрудничестве в уголовном процессе: правовые и организационные вопросы заключения и реализации: Автореф. дис. ... кан. юрид. наук. – Челябинск.: Волгоградская академия МВД России, 2013. – С. 9.
22. Калиновский К. Б. Уголовное судопроизводство как сфера использования положений конфликтологии // Юридическая мысль. 2002. № 1. 111–119 б.
23. Анализ концептуальных положений проекта Закона Республики Казахстан «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты РК по вопросам дальнейшего

- реформирования уголовного процесса» Л. В. Головки // <http://www.zakon.kz/4480136-analiz-konceptualnykh-polozhenijj.html>
24. Пешков М. А. Правовое регулирование и практика применения «сделки о признании вины» в уголовном процессе США // Юрист. 1998. № 6. 57–62б.
25. Шерзод Хайдаров, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ходими // https://xorazm.adliya.uz/xorazm/uz/publikatsii/korupsiya/?ELEMENT_ID=21525
26. Khudaybergenov B. ACTUAL PROBLEMS ESTABLISHMENT OF JUDICIAL CONTROL OVER THE INITIATION OF A CRIMINAL CASE //Збірник наукових праць SCIENTIA. – 2021.